



AKTUAR MOLIYA VA BUXGALTERIYA HISOBI ILMIY JURNALI

Vol. 4 Issue 03 | pp. 477-486 | ISSN: 2181-1865

Available online <https://finance.tsue.uz/index.php/afa>

ҚОРАМОЛЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШ ҲАЖМИНИ ОШИРИШ ВА МУВОФИҚЛАШТИРИШДА ДАВЛАТНИНГ ЎРНИ (ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ МИСОЛИДА)



С.Адилов,

Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида
стратегик ривожланиш ва тадқиқотлар халқаро
маркази мустақил тадқиқотчиси

Аннотация: Мазкур мақолада қорамолчилик маҳсулотлари етиштирувчи тадбиркорлик субъектлари фаолиятини мувофиқлаштиришда ва пировардида ишлаб чиқариш ҳажмини оширишда давлатнинг ўрни ҳамда функциялари таҳлил қилинади. Соҳани ривожлантиришда давлат қандай ҳуқуқий, иқтисодий, ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириши, бозорга хос тузилмаларни қарор топтириши, барқарор ишлайдиган механизмларни шакллантириши зарурлиги илмий асосланади.

Калит сўзлар: тадбиркорлик субъектлари, қишлоқ хўжалиги, Халқаро соғлиқни сақлаш ташкилоти (WHO).

Глобал иқлим ўзгариши туфайли дунёнинг кўплаб ҳудудларида сув танқислиги юз бериши, деградация туфайли қишлоқ хўжалиги ерларининг муомаладан чиқиб кетиши, айни табиий ноқулай ҳудудлардаги давлатларда аҳоли сонининг тез суръатларда ортиб бориши глобал ва локал озиқ-овқат муаммосини юзага келтирмоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ҳозирги кунда дунёда бир миллиарддан кўпроқ инсон озиқ-овқат етишмаслигидан азият чекмоқда. Бироқ мутахассислар мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш, маҳсулотларни оптимал тақсимлаш ҳисобига ўн миллиарддан зиёд аҳолини етарли миқдордаги озиқ-овқат билан таъминлаш мумкинлигини эътироф этишади. Халқаро соғлиқни сақлаш ташкилоти (WHO) ва ФАО ташкилотининг хулосаларига таянадиган бўлсак, бир кунда инсоннинг озиқланиш меъёри ўртача 2400-2800 килокалорияни ташкил қилиб, бу миқдор 1800 килокалориядан пасайганда очарчилик ҳолати юзага келади, 1000 килокалория эса критик нуқта ҳисобланади. Дунёда озиқ-овқат етишмаслигидан азият чекаётган аҳоли салмоқли миқдорни ташкил этаётган бир пайтда, 1,6 миллиарддан зиёд инсон ҳаддан зиёд овқатланиш туфайли ортиқча вазн ва унинг натижасида келиб чиқувчи қўшимча касалликлардан азобланмоқда¹.

¹Продовольственная проблема. http://www.ru.planetaryproject.com/global_problems/food/

Демак, ишлаб чиқаришни ривожлантириш билан бир қаторда глобал ҳамда давлатлар доирасида савдо соҳасидаги иқтисодий сиёсатни ҳам тубдан такомиллаштириш, етиштирилган маҳсулотларни истеъмолчиларга етказиб бериш тизимини ривожлантириш масалалари ҳам долзарблик касб этмоқда.

Шу ўринда қорамолчилик тармоғини ривожлантириш, тармоқда маҳсулот етиштириш барқарорлигини таъминлашнинг иқтисодий, технологик, илмий ечимлари бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш, тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки аҳолининг озиқ-овқат рационидида чорвачилик маҳсулотлари алоҳида ўринга эга бўлиб, ҳаёт учун зарур оқсиллар ва витаминларнинг асосий манбаи ҳисобланади. Айни пайтда республикада етиштирилаётган сут ва сут маҳсулотларининг 97-98 фоизи, гўштнинг 83 фоизидан ортиғи эса айнан қорамолчилик тармоғи ҳиссасига тўғри келади.

Сўнги йилларда республикада олиб борилган иқтисодий ислохотлар натижасида чорвачилик тармоғида хусусий мулк устуңлиги таъминланди, гўшт ва сутнинг 93-95 фоизини деҳқон хўжаликлари етиштирмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 18 мартдаги ПҚ-4243-сон, “Республикада гўшт, жун ва сут йўналишидаги майда шохли молларни кўпайтириш ва тармоқ озуқа базасини мустаҳкамлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2022 йил 26 апрелдаги ПҚ-224-сон қарорлари чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи барча хўжалик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Амалга оширилган ислохотларга қарамай, тадқиқотлар охириги ўн йилда республикада қорамоллар бош сони ортиб борса-да, маҳсулдорлик жуда пастлиги, гўшт ва сут ишлаб чиқариш аҳоли жон бошига ҳисобланганда физиологик меъёрлар даражасига нисбатан камлиги, тадбиркорлик субъектларида моддий-техник, озуқа таъминоти тизимини рағбатлантиришни тақозо этишини кўрсатади.

Хусусан, сўнги йилларда республикада гўшт танқислиги юзага келиши натижасида, ушбу маҳсулотнинг бозор баҳоси кескин ортиши кузатилди. Натижада 2019-2020 йилларда музлатилган ва янги сўйилган гўшт импорти ҳажми ортди. Фақатгина 2020 йилнинг 9 ойида гўшт импорти 2 марта ортиб, 3875 тоннадан (12,4 млн \$) 8354 тоннага, бир тонна импорт қилинган мол гўшти нархи эса 3217 доллардан 3324 долларга кўтарилган².

Чорвачилик тармоғи озуқа базасини мустаҳкамлаш, тармоққа хизмат кўрсатиш, қайта ишлаш соҳаларини ривожлантириш орқали бандлик масаласини юмшатиб, озиқ-овқат муаммоси билан боғлиқ бўлган иқтисодий ва ижтимоий масалаларни ҳам ҳал қилиш имкониятини яратиши мумкин.

Мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалигини эркин бозор тамойиллари асосида ташкил этишга асосий эътибор қаратилиши натижасида турли мулкчилик шаклидаги қорамолчилик маҳсулотлари етиштирувчи хўжаликлар ривожланди. Хусусан, фермер, деҳқон ва томорқа хўжаликлари фаолияти йилдан-йилга

²Откуда Узбекистан завозит мясо и скот, в каком объеме и по какой цене. <https://www.gazeta.uz/ru/2020/11/02/meat-import/>

такомиллашиб, самарадорлик ва рақобат шароитида ишлаш кўникмалари ортиб борди. Қишлоқ хўжалигида мулкнинг тўлиқ хусусийлиги хўжаликларнинг эркин бозор қоидалари асосида иш юритиши учун кенг имконият яратди. Жумладан, чорвачилик тармоғини ислоҳ қилиш, мамлакат аҳолисининг чорвачилик маҳсулотларига бўлган ошиб борувчи талабини сифатли маҳсулотлар билан қондириш мақсадларига эришишни назарда тутувчи ҳуқуқий, иқтисодий, ташкилий чора-тадбирлар амалга оширилиши, бозорга хос бўлган тузилмалар қарор топиши, барқарор ишлайдиган механизмлар шаклланиши учун мустаҳкам асослар яратди.

Эркин бозор шароитида шаклландиган талаб ва таклиф, бозор баҳоси, соғлом иқтисодий рақобат шароитида иқтисодий ўсиш ҳамда товар ишлаб чиқариш жараёни ривожланади. Республикамизда тўпланган тажрибалар, қўшни давлатлардаги вазиятни кузатиш эркин бозор қонуниятлари ишлаб чиқаришни ривожлантиришда муҳим бўлса-да, жамиятдаги ижтимоий муаммоларни самарали ҳал этиш имконига эга эмаслигини кўрсатди. Бунда, албатта, давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий масалаларни ҳисобга олган ҳолда жамият манфаатлари ҳамда бизнес манфаатини уйғунлаштириш зарурати юзага келади. Эркин бозор қоидалари амал қиладиган иқтисодий моделлар ҳам мамлакат иқтисодиётида давлатнинг мувофиқлаштирувчи функциясидан самарали фойдаланиш зарурлигини 2008-2010 йилларда жаҳонда юз берган глобал иқтисодий инқироз яққол намоён қилди.

Давлатнинг роли ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ривожланиши мутаносиблигини таъминлаш, ички ва глобал ижтимоий-сиёсий вазиятларни иқтисодий тараққиёт нуқтаи назаридан самарали бошқариш ва шунингдек, жамиятнинг ҳуқуқий, маънавий ҳаётини бошқаришда намоён бўлади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда эркин бозор иқтисодиёти тамойиллари амал қиладиган аграр иқтисодиёт шароитида қорамолчилик соҳаси фаолиятини самарали мувофиқлаштириш, биринчи навбатда, турли мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклида фаолият юритаётган чорвачилик хўжаликлари иқтисодий манфаатлари (юқори даражада фойда олиш ва фойда миқдорини ошириб бориш) ҳамда жамият манфаатлари ўртасидаги самарали уйғунликни таъминлашга хизмат қилиши керак.

Бироқ амалиёт чорвачилик соҳасидаги тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқариш фаолиятини мувофиқлаштиришдаги маъмурий дастаклар бизнес учун ҳам, жамият учун ҳам фойда келтирмаслигини кўрсатади. Демак, давлат томонидан тадбиркорлик фаолиятини мувофиқлаштириш – иқтисодий дастаклар (ҳуқуқий механизмлар, молия, кредит, солиқ, суғурта, субсидиялаш) кўмагида амалга оширилиши лозим.

Масалага бугунги кунда республика чорвачилик тармоғида шакланган иқтисодий муносабатлар мазмунидан келиб чиққан ҳолда баҳо бериладиган бўлса, кўп сонли, эркин рақобат асосида фаолият юритувчи хусусий тадбиркорлардан иборат бўлган чорвачилик тармоғи ривожлантиришни тизимли равишда мувофиқлаштириш масаласи самарали ҳал этилмаган. Оқибатда гўшт ва сут ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги, тармоқда меҳнат унумдорлиги, замонавий

техника ва технологиялардан фойдаланиш асосида маҳсулдорликни, маҳсулот сифатини ошириш масалаларида кутилган натижага эришилмади.

Гўшт ва сут маҳсулотлари кўп сонли деҳқон ва томорқа хўжаликларида етиштирилиши, хўжаликларнинг иқтисодий аҳволи ва турли соҳа вакиллари томонидан бошқарилиши (деҳқон ва томорқа хўжалиги бошлиқлари деҳқонлар, қишлоқ ўқитувчиси, врачлар ёки бошқа касб эгалари), ишлаб чиқарувчи сифатида бозор талабига, ўртача баҳолар ўзгаришига таъсир қилиш имкони пастлиги, уюшган ҳолда иқтисодий ривожланиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш мураккаблиги давлатнинг мувофиқлаштирувчи функциясидан мунтазам фойдаланишга эҳтиёжни келтириб чиқаради.

Юқоридагилардан ва мавжуд ҳолатдан келиб чиққан ҳолда қорамолчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат миқёсида ва маҳаллалар кесимида мувофиқлаштириш тизими қуйидаги масалаларни ҳал этишни назарда тутиши лозим деб ҳисоблаймиз (1-расм):

- сут ва гўшт ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектлари доирасида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми, асосий ресурслар билан таъминлаш ва маҳсулот сотиш ҳажмини бизнес режалаштириш, баҳо шаклланиши мониторингини (маҳаллалар кўламида) тизимли йўлга қўйиш;

- қорамолчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантириш бўйича стратегик мақсадлар, асосий йўналишлар параметрларини (давлат миқёсида) белгилаш, уларни амалга ошириш бўйича аграр соҳага масъул бўлган вазирлик ва идораларнинг вазифаларини мувофиқлаштириш.

Ушбу йўналишлар бўйича амалга ошириладиган вазифалар маҳаллалар кесимида тезкор, бизнес режалаштириш эса чораклик ва йиллик бўлиши, давлат миқёсида қисқа (йиллик) ва узоқ (5 йиллик) муддатли бўлиши мумкин.

Қорамолчилик маҳсулотлари етиштириш соҳасини ривожлантиришда давлат томонидан:

- мамлакат миқёсида ва қуйи бўғинда (гўшт ва сут учун кафолатли нархлар тизими ва тармоқ учун зарур саноат маҳсулотларига баҳо шаклланишини бошқариш) самарали баҳо сиёсатини юритиш;

гўшт ва сут етиштириш, дастлабки қайта ишлаш, сақлаш ҳамда чуқур қайта ишлаш ва бозорга таклиф қилиш билан боғлиқ тадбиркорлар фаолиятини фаолиятни кредитлаш, суғурталаш, субсидиялаш тизимини такомиллаштириш (давлат миқёсидаги сиёсат доирасида);

- чорвачилик соҳасидаги тадбиркорлик субъектларига (фермер, деҳқон ва томорқа хўжаликлари, МЧЖлар) сервис хизматлари кўрсатиш тизимини ривожлантириш, гўшт ва сут етиштирувчи субъектлар ва уларга хизматлар кўрсатувчи субъектлар мутахассислари малакасини ошириш, қўшилган қиймат яратиш соҳаларини ривожлантириш (маҳалла кесимида);

- гўшт ва сут етиштириш, дастлабки ва чуқур қайта ишлаш соҳаларини моддий-техник ресурслар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш (давлат миқёсида), чорвачилик хўжаликлари ҳамда маҳсулотларни қайта ишлаш соҳалари

субъектлари учун замонавий техник ускуналар, ресурс тежамкор технологиялар импорти борасида имтиёзлар тақдим қилиб бориш;

- кўп сонли чорвачилик хўжаликларида етиштирилган гўшт ва сут маҳсулотларини охириги истеъмолчига етказиб беришгача бўлган бўғинларда хусусий тадбиркорлар фаолиятини ривожлантириш, гўшт ва сут етиштириш ва тайёр маҳсулотлар савдоси бўғинларида илм-фан ютуқларини жорий этишни рағбатлантириш (давлат доирасида ва қуйи бўғинда) тадбирларни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга.



1-расм. Қорамолчилик маҳсулоти етиштирувчи субъектлар фаолиятини мувофиқлаштириш тизими³

Қорамолчилик маҳсулотлари етиштирувчи тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат доирасида ва қуйи бўғинда мувофиқлаштириш тизимини шакллантиришда, энг аввало, мамлакат аҳолисини сифатли, барқарор баҳодаги сут ва гўшт маҳсулотлари, саноат корхоналарини талаб даражасидаги хом ашё билан таъминлаш, экспортни ривожлантириш каби мақсадларга эришиш назарда тутилиши лозим. Ушбу мақсадларга эришиш хўжаликларда насли чорва молларига эга бўлиш, чорва молларини озиқлантириш, сақлаш, парвариш билан боғлиқ зарур шарт-шароитлар яратишдан бошланиши лозим. Чорвадор фермер санаб ўтилган шарт-шароитларнинг ҳаммасини ўзи яратиши, тегишли

³Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

тадбирларни ошириши мумкин эмас, бунинг учун зарур ташкилий масалалар ҳал этилиши, бошқа соҳалар ҳам ривожлантирилиши лозим⁴.

Мазкур мақсаддан келиб чиққан ҳолда асосан қуйидаги вазифалар ҳал этилиши зарур:

- мамлакатда парваришланаётган қорамоллар бош сони, гўшт ва сут ишлаб чиқариш ҳажмлари билан бозор талаби миқдори ўртасидаги нисбат, ем-хашак етиштириш миқдори ва уни хўжаликларга етказиб бериш тизими имконияти, гўшт ва сут маҳсулотларини самарали сотиш тизимининг ривожланиш даражаси, етиштирилган маҳсулотларга ҳудудий бозорлардаги талаб миқдори ўзгариши ўзаро мутаносиблигини таъминлаш;

- гўшт ва сут маҳсулотларига талаб ва таклиф мувозанатини ички бозорда сақлаш, жумладан, йил мавсумлари давомида баҳо барқарорлигини таъминлаш юзасидан ташкилий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий механизмларни шакллантириш, бозор конъюнктурасини мунтазам кузатиб бориш;

- йирик чорвачилик комплексларини, фермер хўжаликлари учун ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулот сотиш имконияти юқори чорвачилик субъектлари сифатида молиялаш ва кредитлаш тизими, ички ва ташқи инвестицияларни жалб этишни фаоллаштириш юзасидан иқтисодий ва ҳуқуқий тадбирларини мунтазам амалга ошириш;

- ҳудудий сут ва гўшт бозорлари конъюнктурасини маълум чегараларда барқарорлаштиришга қаратилган, кичик ҳажмли хусусий тадбиркорлик субъектлари учун зарур, республикада ишлаб чиқарилмайдиган минитехника воситалари ва технологиялар, омихта ем билан таъминлаш юзасидан имтиёзли импорт сиёсатини амалга ошириб бориш;

- гўшт ва сут етиштирувчи тадбиркорлик субъектларига замонавий рақамли хизматлар кўрсатиш субъектларини ривожлантириш, илмий маслаҳатлар ташкил қилиш, чорвачилик хўжаликлари ва уларга хизмат кўрсатувчи субъектлар учун малакали мутахассислар тайёрлаш, ходимлар малакасини ошириш, соҳа мутахассисларининг чорвачилик ривожланган хорижий давлатларга стажировкасини ташкил этиш;

- чорвачилик тармоқларига илм-фан ютуқлари ва инновацион технологиялар, илғор тажрибаларни жорий этишни мамлакат доирасида ва маҳаллалар кесимида амалга оширишни тегишли вазирлик ва идоралар доирасида фаоллаштириб бориш, рағбатлантириш.

Эркин бозор шароитида қорамолчилик соҳаси субъектлари фаолиятини мувофиқлаштириш илмий асосга таяниши ҳамда шакланган мавжуд иқтисодий муносабатларни, моддий ва бошқа имкониятларни инобатга олиши зарур. Фикримизча, маҳаллалар кесимида ҳамда давлат миқёсида қорамолчилик соҳаси тадбиркорлик субъектлари фаолиятини мувофиқлаштиришни қуйидаги муҳим шартларга асосланган ҳолда амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

• тегишли манфаатдор давлат ва нодавлат ташкилотлар салоҳиятидан унумли фойдаланиш асосида чорвачилик хўжаликлари учун муаммолар ечимларини ҳал

⁴Новицкий Игорь. Организация животноводства: основные принципы и перспективы. <https://сельхозпортал.рф/articles/organizatsiya-zhivotnovodstva/>

этиш имконини кенгайтириш. Бунда, кўп сонли гўшт ва сут етиштирувчи қишлоқ тадбиркорлари ихтиёрий равишда ўзлари ташкил қиладиган уюшмалар, кооперативлар ёрдамида ишлаб чиқаришни ривожлантириш билан боғлиқ кўпгина муаммоларни ҳал қилади. Чунки бугунги кунда гўшт ва сут маҳсулотларини етиштирувчи кичик ўлчамли фермер, деҳқон ва томорқа хўжаликлари фаолиятини маъмурий тартибда мувофиқлаштириш самара бермайди. Шу боис кичик ҳажмли ва кўп сонли ишлаб чиқарувчилар манфаатдор бўлган, ихтиёрий равишда ташкил қилган кооперативлар ва уюшмалар уларнинг фаолиятини самарали мувофиқлаштириши мумкин;

- гўшт ва сут етиштирувчи хусусий субъектлар фаолиятини мувофиқлаштириш давлат миқёсида ёки қуйи бўғинда фақатгина ўз-ўзини бошқариш, ошкоралик ҳамда маъмурий аралашувсиз юз бериши;

- гўшт ва сут етиштириш соҳасини давлат томонидан мувофиқлаштириш фақат давлат зиммасидаги вазифалар (институционал базисни яратиш, ижросини назорат қилиш) доирасида амалга оширилиши;

- гўшт ва сут етиштириш соҳасини мувофиқлаштириш иқтисодий услубларга таяниши, тармоқ ва аграр тармоқлараро муносабатларда мақбул уйғунлик таъминланиши мувофиқлаштиришнинг асосини ташкил қилиши;

- гўшт ва сут етиштириш соҳаси илмий таъминотида давлат томонидан молиявий, ҳуқуқий ва ташкилий-иқтисодий рағбатлантириш тадбирларини амалга оширишга устуворлик бериш.

Қорамолчилик соҳаси тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан мувофиқлаштириш жараёни кўплаб шарт-шароитлар яратувчи ва тўсиқ бўлувчи омиллар қуршовида амалга ошади. Бунда ижобий таъсир қилувчи механизмлардан унумли фойдаланиш ва ижобий шарт-шароит яратувчи базисларни шакллантириш, такомиллаштириш талаб этилади (2-расм).

“Базис” атамаси (грекча - “basis”) – асос, таянч, фундамент, асосий деган маъноларни беради. Шу ўринда иқтисодий базисга турли манбаларда “ижтимоий ҳодисалар асоси сифатида ишлаб чиқариш муносабатлари ва ишлаб чиқариш кучлари мажмуидан иборат” деб таъриф берилади⁵.

Мазкур ҳолатда базис сифатида бугунги ривожланиш босқичида соҳадаги энг долзарб муаммолар ечимларини назарда тутувчи йўналишлар эътиборга олинмоқда. Мавжуд бўлиши талаб этиладиган базис ҳолатлар таъсир қилиш механизмига кўра объектив ва субъектив характерда бўлади. Буларнинг энг муҳимлари расмда ўз аксини топган.

⁵Базис. <https://sanstv.ru/dict/базис#:~:text=Базис.%20Толковый%20словарь.%201%20м.,.%20basis%20-%20основание%2C%20пьедестал>

(грек



Иқтисодий йўналишдаги муҳим базислар – давлат томонидан тартибга солинадиган соҳани молиялаштириш, кредитлаш, солиққа тортиш, суғурталаш ва субсидиялаш тизимлари орқали қорамолчилик соҳасида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари учун иқтисодий рағбатлантириш билан боғлиқ муҳим дастаклар ҳисобланади. Бунда тадбиркорлар учун муҳим йўналишлар сифатида:

- гўшт ва сут етиштирувчи ишлаб чиқарувчи хўжаликлар моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, чорвачилик фермалари учун республикада ишлаб чиқарилмайдиган техникалар, қайта ишлаш ускуналари, замонавий технологиялар импортини қўллаб-қувватлаш тизими;

⁶Муаллиф тадқиқотлари асосида тавсия этилмоқда. *Базислар таркиби (базавий ечимлар) соҳа ривожланишининг кейинги босқичларида ўзгариб бориши керак.*

- ҳажми кичик оилавий асосдаги қорамолчилик соҳаси хусусий инвестиция учун унчалик жозибали эмаслиги сабабли давлат томонидан тармоққа инвестиция киритувчиларга имтиёзлар пакетини жорий қилиш билан боғлиқ рағбатлантириш дастакларини қўллаш;

- чорвачилик хўжаликларини техник модернизация учун, жумладан, насли чорва моллари салмоғи, маҳсулдорлик ошгани, қайта ишлаш қўлами кенгайгани учун субсидиялаш, солиқ имтиёзлари тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Ташкилий йўналишдаги муҳим базислар – гўшт ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш, чорвачилик хўжаликлари учун ем-хашак, концентрат озуқалар етказиб беришнинг самарали усул ва шакллари ташкил этишни рағбатлантириш, маҳсулот тайёрлаш ва сотиш соҳаларида муқобил тузилмаларни, чорвадорлар кооперативларини, турли уюшмаларни ташкил қилиш масалаларини қамраб олувчи тадбирлардан иборат. Жумладан:

- сут ва гўшт етиштирувчи тадбиркорлик субъектлари учун зоотехник, ветеринарлар малакасини ошириш, малакали мутахассисларни ҳудудлар эҳтиёжлари, жумладан, фермер, деҳқон ва томорқа хўжаликлари ва уларнинг кооперативлари буюртмалари асосида мақсадли тайёрлашни ташкил этиш, чорвачилик йўналишида хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг ташкилий масалаларни ҳал этиш;

- гўшт ва сут ишлаб чиқарувчи фермер, деҳқон ва томорқа хўжаликлари ишлаб чиқараётган сут ва гўшт маҳсулотларини тайёрлаш, қайта ишлаш, ташиш йўналишларида ҳудудлар шарт-шароитларига мос тузилмаларни шакллантириш, истеъмолчиларга сифатли чорвачилик маҳсулотлари етказиб берувчи савдо тузилмаларини ташкил қилишни рағбатлантириш чораларини амалга ошириш кабиларни қамраб олиши лозим.

Ҳуқуқий йўналишдаги муҳим базислар – бозор шароитида қорамолчилик маҳсулоти етиштирувчи тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш мақсадида маҳсулот тайёрлаш, ташиш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш, ҳамда инвестициялардан фойдаланиш учун қулай ҳуқуқий шарт-шароит яратиш. Бунда:

- мавжуд ҳолат таҳлиллари асосида қорамолчилик тармоғи фаолияти учун зарур меъёрий ҳужжатларни қабул қилиш, уларни такомиллаштириб бориш, маҳсулот етиштириш, сотиш, ресурслар харид қилиш билан боғлиқ иқтисодий муносабатларини такомиллаштириш;

- хўжаликларда чорва моллари наслини яхшиш, молларни сунъий уруғлантириш қўламини кенгайтириш, ветеринария ва зоотехния хизматлари кўрсатиш тизими фаолияти учун қулай ҳуқуқий асосларни яратиш;

- соҳага замонавий илм-фан натижалари ва илғор инновацион технологияларни жорий этишга қаратилган инновацион муҳитни фаоллаштириш, инвестициялар оқимини кенгайтириш билан боғлиқ иқтисодий ва ҳуқуқий рағбатлантириш тадбирларини олиб бориш;

- қорамолчилик хўжаликлари томонидан ташкил қилинадиган турли уюшмалар, кооперативлар фаолияти учун ҳуқуқий базани такомиллаштириш. Ривожланган давлатлар тажрибаси чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қайта ишлаш жараёнини зарур моддий-техник ресурслар билан қуроллантириш

соҳасида ишлаб чиқарувчилар уюшмалари, кооперативлар катта салмоққа эгаллигини кўрсатади.

Базислар қанчалик пухта бўлса ва амалиётда ишласа, соҳа ривожига шунчалик кўп хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, давлат ташкилий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий механизмларни шакллантириш, ички ва ташқи инвестицияларни жалб этиш, тадбиркорлик субъектларига имтиёзлар бериш, малакали мутахассислар тайёрлаш, илғор хорижий тажрибаларни татбиқ этиш, тегишли вазирлик ва идоралар фаолиятини назорат қилиш орқали чорвачилик маҳсулотлари етиштирувчиларни қўллаб-қувватлайди ва соҳа ривожини таъминлашга ҳисса қўшади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 18 мартдаги ПҚ-4243-сон қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республикада гўшт, жун ва сут йўналишидаги майда шохли молларни кўпайтириш ва тармоқ озуқа базасини мустаҳкамлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2022 йил 26 апрелдаги ПҚ-224-сон қарори.

4. Откуда Узбекистан завозит мясо и скот, в каком объеме и по какой цене. <https://www.gazeta.uz/ru/2020/11/02/meat-import/>

5. Новицкий Игорь. Организация животноводства: основные принципы и перспективы. <https://сельхозпортал.рф/articles/organizatsiya-zhivotnovodstva/>

Copyright: © 2024 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution-4.0 International License (CC - BY 4.0)

